

Туркия Республикаси Бош вазири Ре- жеп Эрдоган 18 декабр куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида юқори мартаба- ли меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев қутиб олди.

20 декабрда давом этадиган ташриф асосида Туркия Бош вазирининг Ўзбеки- стон Президенти Ислам Каримов билан уч- рашуви, икки мамлакатнинг турли соҳалар- даги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштириляпти.

(ЎзА)



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 19 декабр, жума № 196-197 (1622)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида қайд этилишича, бугунги кунда камқонлик ер юзиде энг кўп тарқалган хасталиклардан биридир. Мамлакатимиз аҳолиси ўрта- сида ҳам бу дардга чалиниш холлари кузати- лаётир.

Мутахассислар бундай оғир хасталигининг олдин олиш ва даволашда самарали восита сифатида эътироф этиляпти. Ибн Сино халқаро жамғармасининг мазкур компания билан ҳамкорлиги самараси ўлароқ мамлакатимизга бир миллион АКШ доллари миқдориде инсонпарварлик ёрдами сифатида ана шундай шифо воситалари етказиб берилди.

Ибн Сино халқаро жамғармаси аҳоли ўртасида камқонлик касаллиги тарқалиши олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида кенг қўламда иш олиб бормоқда. Бу жараёнда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Швейцариянинг «Yifor international» компаниясида ишлаб чиқарилган дори-дармон мутахассислар томонидан камқонлик хасталигининг олдини олиш ва даволашда самарали восита сифатида эътироф этиляпти. Ибн Сино халқаро жамғармаси аҳоли ўртасида камқонлик касаллиги тарқалиши олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида кенг қўламда иш олиб бормоқда.

(ЎзА)



## Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақоидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар» дейилади Республикаимиз Конституциясининг 18-моддасида.

Кўёш оламни, дўстлик одамлар қалбини иситади, дейдилар. Юздан ортиқ миллат ва элталарнинг вакиллари умрүзаронлик қилаётган Қашқадарё вилоятида уларнинг бир оила фарзандларидек ахил ва иноқ ҳаёт кечирishiлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Дўстлик ва қардошлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганлиги тўғрисида иқтисодий ва ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилляпти.

Бугунги кунда «Муборакнефтьгаз», «Шўртаннефтьгаз» унитар шўмба корхоналари, газни қайта ишлаш заводи, газ қимё, «Қаршитекс» маъмуалари, Таллимаржон ГРЭС қурилиши, Қарши бош канали ва насос станциялари бошқармасида ўзбек, рус, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ, украин, корейс каби миллат вакиллари фидокорона меҳнат қилиб, воҳанинг иқтисодий юксалишига муносиб улшў қўшмоқдалар.

Нишон туманидаги Камолуддин Бехоз ноили умумтаълим мактабиде корейс аёли Варвара Ким ўқитувчилик қилади. Қарийб 40 йилдан бери муаллимлик касбини шарафлаб келаятган бу инсон ёшларга орижлий тиллардан сабоқ бермоқда. Ўқувчилари вилоят ва республика олимпиадаларининг ғолиби бўлишган. Варвара она ўзининг иқтидорли шогирдлари билан фахрланади.

Агросаноат мажмуи ҳодимлари касабе уюшма кўмитасини катта ҳаётий тажрибага эга одамлар бошқармоқда. Уларнинг савий-ҳаракатлари тўғрисида касабе уюшмалари фаолиятида жиддий ўзгаришлар юз берди. Бошланғич ташкилотларнинг фаолияти мустаҳкамланиб, аъзолар сони кўпайди. Аграр тармоқда ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазаси янада яхшиланди.

Кўп йиллик самарали меҳ-

## Ўзбекистон — умумий уйимиз

нати ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда эришган муваффақиятлари учун «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочилиги» нишони билан мукофотланди. Олий тоифали ўқувчи бадиий ижод билан мунтазам шуғулланади. Унинг «Қалб жавоҳири», «Мен сени қўйлайман», «Таллимаржон бойчағи», «Туйгулар жилоси», «Армони дунё» шеърлар ва «Ўлиб тирилган одам» ҳикоялар тўпламлари нашр этилган.

Мустақиллиқнинг ўн икки йиллиги ва халқ таълими хо-

изчил амалга ошириш, миллий кадриятларни асраб-авайлаш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳақида сўзлаб бердилар. — Ўзбекистон Қарамони Муродилла Саидов раислик қилаётган «Жейнов» ширкат хўжалигида йигирма мингта яқин араб миллатининг ўғил-қизлари яшайди, — дейди араб миллий-маданий маркази қошидаги «Ал-арабия» халқ дастасининг бадиий раҳбари Саидқарим Абдуллаев. — Меҳнат жамоасида уюшқоқлик ва ишчанлик муҳити қарор тоғланлиги тўғрисида жорий йилда 10 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилди. Бошқа тармоқларда ҳам шартнома режалари охириб бажарилди. Одамларнинг фаровонлиги тобора яхшиланиб борапти. Қишлоқ бош режа асосида қайта қуриляпти.

Вилоятдаги корейс, рус, татар, бошқирд миллий-маданий марказларининг раҳбарлари Павел Пак, Елена Кучеренко, Равил Иксановлар дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш хусусида фахр билан сўзлашдилар.

Саънада турли тиллардаги дилбар кўшиқлар янграмоқда, мафрукор рақслар ижро этилмоқда. Светлана Ким, Зайнаб Муслина, Зикрия Ҳусниддинов, Елена Волкова, Александр Баран сингари халқ талентлари томонидан ижро этилган корейс, татар, бошқирд, рус, украин халқларининг қўшиқ ва рақслари томошабинлар томонидан қизғин кўлиб олинди.

Ўзбекистонни ўзи ўй деб билган кадрдонларимизнинг шундай жаннатқон юрда яшаётганликларни тўғрисидаги қалб сўзларини айтишди Юртбошимиз ва ҳукуматимизга раҳматлар айтасиз.

И.ИСОМИДДИНОВ

## «ШУ МУБОРАК ЗАМИНДА ФАҚАТ ЯХШИЛИК КЎРДИК»

минга садоқат руҳида тарбиялаш, қалблариде она тупроқда, туғилган хонадонига меҳр-муҳаббат туйғуларини шақлантириш ватанпарварлик бурчимиздир.

Кўшни Туркменистон билан туташиб кетган Таллимаржон шахрида 30 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Улар орасида тажрибали ўқувчи, ис-теъодли шoir Жўра ака ҳам бор. Тожикистон Республикасининг Қўрғонтепа вилояти, Хўжамастон қишлоғида туғилган устан бу зёбли инсон ота-боболари юрти Ўзбекистонга келиб бахт-саодат тоғди.

Аҳмад Яссавий ноили ўрта мактабда «Ўзбек тили ва адабиёти» фанидан дарс бераяпти.

Кўп йиллик самарали меҳ-

## Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

олинаётган бир пайтда, йиллик ёни- лги сарфининг 1800-2000 тоннадан 850-700 тоннага тушиб қолганлиги ҳам кўп нарсани ойдинлаштириб туририбди. Биргина сув насосларини электр тармоқларига улшў эвазига йиллик сарф-харажатларини 17-18 миллион сўмга қамайтиришга эришилди.

## ХўЖАЛИК ХУДУДИДА КОРХОНА

Кўшиқлар даромад сохибига айланса, кимдир мева-чева, турли кўкатларни, кимдир ўзининг иссиқ-хонасида етиштирилган лимонни бозорга олиб боришни кўзлайди.

Утган даврда дала-деҳқончилик билан машғул бўлган аҳолининг бир қисмининг янги ўш ўзанига буриб юборилганини ҳам айтиш мудоаб бўлди. Ҳозир бу ерда ҳаммаси бўлиб 1300 га яқин хўжалик аъзолари бор. Улар йилга 7000 тоннадан ошириб пахта, 3,4-3,5 минг тонна дон, 37-40 тоннагача пилла, кўплаб ширин-шаркар мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришнинг уда- сидан чиқаяптилар. 5 гектар майдон- ни эгаллаб турган лимонрийдан йил- га 10-15 миллион сўм соф фойда қўриломоқда.

Қўшимчалар билан ҳисоблаганда акциядорларнинг ўртача иш ҳақи 34-35 минг сўмдан кам бўлмаётир. Яқунлаётган йилда хар бир хўжа- лик аъзоси ҳисобига ишлаб чиқарил- ган пахта салмоғи 6000 килони таш- қил этиб туририбди. Бу 90-йилларда- ги курсаткича нисбатан деярли 2 баровар кўпдир. Ана шу биргина да-

лининг ўзидан бу ерда исплохотлар қай даражада самара бераётганли- гини уқиб олиш қийин эмас.

Даромадларни кўпайтириш эвази- га соф фойда салмоғи ҳам йилдан- йилга ошиб бораётир. Натиждада рентабеллик ҳам тобора яхшилана- моқда. 2003 йил хўжалик йилида барча соҳалардан олинган яппи соф фойда салмоғи 404 миллион сўмдан зиёд бўлиши кутилмоқда.

Вилоятда биринчи бўлиб донни пуштага экишни жорий қилиб, бу- нинг учун қатор мосламалари хўжа- лик марказий устакхонасида ясаши эришиш, табиат ҳарҳашалари, ноқу- лай об-ҳаво шароитларига қарамай, 16 йилдан буюн режаларни сурунка- ли ойдин бажаришнинг удадидан чиқиб ҳаммага ҳам насиб этавер- маёиди. Вилоят касабе уюшмалари тармоқ кўмитасининг раиси Юсуф Қурбонов шундай дейди.

Вилоятда эмас, ҳатто республикада пахта ва бошқа қишлоқ хўжа- лик экинларидан юқори ҳосил олиш ҳамда қишлоқ хўжалик маданиятини юксалтириш борасида ўзига хос мак- таб яратган Мухаммад ака энг аввал- ла ўз меҳнати билан эл ардоғига эришди. Самарали меҳнат қилиб қадр топдини, тўқ ва фаровон яша- шнинг удадидан чиқиб ўз фаоли- ятида исбот қилган, хар қандай холла- да ҳам аввал деҳқон, меҳнатқаш омма кўнглини толишга интилиб яшаган, яшаётган серҳаракат ва сер- завк бу инсондан кўп нарса ўрган- сак арзийди.

Одамлар рози бўлган жойда му- аммолар ҳам осонликча ўз ечинини топади. Бу — ҳаёт ҳақиқати, синов- дан ўтган ҳақиқат.

УСМОН НАВРЎИ, «Ишонч» муҳбири

## БОЛАЖОНЛАР УЧУН БАЙРАМ

Қишки таътил кунлари арафасида Тошкентдаги ол- тита меҳрибонлик уйи, 66-мактаб-интернат ва «Санк- вит» ноғирон-болалар учун илмий-тадқиқот бадиий мар- каз тарбияланувчилари ажойиб совғалик бўлди. «Sen yolg'iz emassan» республика болалар ижтимоий жамғармаси пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида улар учун Россиянинг машҳур «Блестящие» гуруҳи хайрия концертини ташкил этди. Ушбу тадбирни ўтказишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси яқиндан ёрдам берди.

Болаларни саройда эртак қаҳрамонлари каби кий- инган «Олтин қанот» болалар таълим марказининг ёш артистлари кутиб олди. Хазил-мутойиба, кўплаб ўйин- лар ва викториналар байрамга ўзгача қувонч бахш этди. Концерт давомида болажонлар ўзларининг сеvimли гу- руҳи кўшиқларига жўр бўлди ва рақсга тушди.

Жамғарма қишки таътил кунларида етим ва ноғирон болалар учун машҳур артистлар билан учрашувлар, янги йил арчасини ўтказишни режалаштирмоқда. Зеро, ота-она меҳридан маҳрум бўлган бундай болаларга кўна-она ва эгуллик бахш этиш, жамиятимиз улар ҳақида чин диндан ғамхўрлик қилаётганини ҳис қилиши учун ана шундай тадбирларни уюштириш — бир йил аввал меҳрибонлик уйлари ҳамда мактаб-интернатлар тар- биаланувчиларини хар томонлама ривожлантириш мақ- садида ташкил этилган «Sen yolg'iz emassan» жамғар- масининг асосий вазифаси саналади. Юртбошимиз томонидан Меҳр ва муруват йили деб эълон қилин- ган янги йилда жамғарма ўз фаолиятини кенгайтириш ва республикамиздаги барча шундай муассасаларни ортиқча олишни режалаштирмоқда.

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари ҳамда Иқтисодий ислох қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмиталарининг кўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси «Кредит уюшма- лари тўғрисида»ги қонунининг Бухоро вилоятидаги ижроси муҳокама этилди. Кредитлар бериш мақсади- да ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли аъзолик асосида юридик ва жисмоний шах- слар томонидан уюшмалар тузилишини назарда туту- вчи ушбу Қонун банқдан та- шқари молиявий тузилма- лар вужудга келишига қўмақлашяётир. Улар банк тизими билан бир қаторда республика инвестиция ре- сурсларини реал секторга жамлашга ёрдам бермоқ- да. Йиғилишда Қонунни янада изчилроқ ҳаётга та- биқ этиш йўллари ва уюш- малар фаолияти жараёни- да юзга келаятган айрим муаммолар хусусида фикр алмашилди. Кредит уюш- малари фаолиятини ривож- лантириш ва рағбатланти- риш бўйича тарғийот этган давлатларнинг тажрибаси- ни ўрганиш ҳамда жорий қилишни давом эттириш лозимлиги қайд этилди. Мухокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

## УЧ БУОҚ ҚАДРИЯТ

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Уч буюқ қадрият: маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат» мавзуи- да давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда олий ўқув юртли раҳбарлари, ёшлар, хотин-қизлар ва маҳал- лалар фаоллари, уламолар қатнашди. Унда Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2004 йилнинг Меҳр ва муруват йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда демок- ратик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимо- ий йўналтирилган бозор муносабатларини ҳаётимизда яна- да мустаҳкам қарор топтириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлгани таъкидланди. Бу аҳоли, айниқса, ёшлар қал- биде эгу туйғуларни камол топтириш, юксак инсоний фа- зилатларини халқимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас қисмига айлантиришда муҳим омили бўлиши шубҳасиз. Ёш- лар қалби ва онига миллий истиқлол ғозларини сингди- риш, шарқона одоб-ахлоқ ва аъёналарни қарор топти- риш, уларни турли экстремистик оқиғалар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ишлари янада кучайтириш лозимли- ги қайд этилди. Бунда жойлардаги хотин-қизлар, ёшлар ва маҳаллалар фаолларининг, оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта эканига алоҳида эътибор қаратилди. Тад- бирда Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Фулмонова сўзга чиқди.

(ЎзА)

## «САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» — ХОРАЗМДА

Урганч шаҳрига «Саломат- лик поезди» кириб келди. Уни воҳа ахлр элр шоду хуррам- лик билан кутиб олди. Унда умумий қиймати 29 миллион сўмдан иборат дори- дармонлар, дезинфекция во- ситалари ҳамда кийим-кечак, пойабзал, болалар аравача- лари ва бошқа халқ истеъмол- ли моллари маъжуд. Хоразм вилоятига «Сало- матлик поезди»да юборилган саховат ёрдами кўп болали, кам таъминланган оилалар, ноғирон ҳамда етим-есирлар- га тарқатилмоқда.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Ислохот инсон учун

ДЕХҚОННИНГ ТОПГАНИ

уйларга, тўйларга буюрмоқда

Ахиллик бор жойдан фойза-баракани аримайди. Хам-жикатликда ҳаракат қилиб, йилдан йилга хўжалик иқтисодини мустаҳкамлади. Аъзоларимиз ҳам меҳнатларига яраша даромад ола бошладилар. Бугунга келиб юзлаб деҳқонларнинг оғибори донга тўлди. Кўллари пул кўрди. Шунга яраша тўйлар қилиб, ховли-жойлар солишмоқда. Бир сўз билан айтганда, ислохотлар самараси буй кўрсатиб, фаровон ҳаётга эришди. Одамларнинг меҳнатга, мулкка муносабати ўзгарди.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимоя, моддий манфаатдорлик қаерда яхши бўлса, ўша жойда муваффақият бўлаверади. Буни биргина жорий йил натижаларидан ҳам билса бўлади. 750 гектар ерда галла етиштириб, 3 минг 900 тонна сара дон йиғиштириб олинди. Хосилдорлик гектар бошига 52 центнердан ташкил этди. Галланинг ўзидан 269 миллион сўм даромад олинди. Рентабеллик даражаси 25,5 фоизга тўри келди. 370 гектар пахта майдонидан режадаги 750 тонна ўрнига 1024 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олд. Хосилдорлик гектар ердан 28 центнердан тўғри келди. Ялли даромад пахтачиликда 300 миллион сўмга етди.

Хўжалигимизда 73 та фермер хўжалиқлари фаолият юритмоқда. 17 та пахтачилик, 96 та галлачилик бўйича оилавий пудратчилар бўлиб, улар контрактация шартномаларини адо этдилар. «Хадича она», «Русланбек», «Т-Комилжон» каби фермер хўжалиқлари, Нормурод Амиров, Акмал Нарзикулов, Хўжам Комилво, Амин Бойназаров сингари оилавий пудратчилар галла хосилдорлигини 50-56 центнердан, пахта хосилдорлигини гектар бошига 31-34 центнерга етказишди.

Жорий йилда хўжалигимизда ўзига хос услуб юзга келди. Бу услуб - уюшқоқлик дегани. Шудгорлашдан тортиб, пахта йиғиб-териб олишга қадар барча жараёнлар бу ниҳоятда қўл келмоқда. Унинг афзаллиги шундаки, иш унуми ва сифати катта эътибор берилди. Масалан, пахта йиғим-терим мавсумини олайлик. Пахта 70-80 фоиз очилганда теримга тушиб, 14 иш

кунда режани бажардик. Хар бир карта биринчи теримдаёқ тозаланиб, шудгорлашга тайёрлаб бориларди. Пахта йиғим-терими давомида бир кило пахта учун 31 сўмдан ҳақ тўланди ва унга қўшимча 30 килограмм пахта учун 1 литрдан ўсимлик ёғи бепул берилди. Шу мақсад учун 15 тоннадан зиёд ўсимлик мойи тарқатилди.

Юқоридаги услубнинг яна бир яхши жиҳати шудки, олдинги пайтлардагидек 3-4 оилаб пахта теришга ҳолат қолмади. Биринчи ва иккинчи терим билан нари борса 20-30 иш кунда мавсум ниҳоясига етказилиб, шудгорлаш, техника воситаларини таъмирлашни бошлаб юбордик. Мавжуд майдонлар шудгорланиб, жуяклар олиб қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, келгуси йил хосилига эришишга эришилмоқда.

Қиш ойлари бекорчилик эмас. Бизда бир яхши анъана бор. Хашар йўли билан бир қатор бунёдкорлик ишларини амалга оширишмиш. «Тут» ва «Тўғизбой» маҳалла фуқаролар йиғинлари учун алоҳида бинолар ажратилган. Хўжалигимизда 1410 та хонадон бўлиб, уларда 7790 киши истиқомат қилади. Хонадонлар юз фоиз газлаштирилган ва тоза ичимлик суви билан таъминланган. 3 та мактаб, 3 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та маданият уйи, 8 та қишлоқ бор. 3 та спорт майдонлари қурилиб, жиҳозланди. «Коракесак» қишлоғида стадион барпо этилди. 7-умумий ўрта таълим мактаби қошида болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тут қишлоғида қишлоқ врачлик пункти ва теннис корти хашар йўли билан қурилмоқда.

Ширкат касабаси уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда иш юргатаямиз. 17

та бошланғич касабаси уюшма ташкилотига 1870 нафар касабаси уюшма аъзоси уюшган. Маданият уйи ҳамда спорт иншоотлари касабаси уюшмаларида берилган. Барча тадбирлар касабаси уюшмаларида бўлиб ўтмоқда. Касабаси уюшма аъзоси ўлмас Низаматовнинг саъй-ҳаракати билан ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар аниқланиб, уларга ҳам моддий ва маънавий кўмак берилаяпти. 70 та кам таъминланган оила, 12 нафар ногирон, 4 нафар уруш қатнашчилари бўлиб, уларга 2 тонна бугдой бепул тарқатилди. Хар бир байрамларда совға-саломлар улашиб турибмиш.

Меҳнат илгорлари вақти-вақти билан тақдирдорлик бўрилмоқда. Жўрабой Азимов, Суворон Худойбердиев, Нурман Умаров каби суғуви, механизатор ва пудратчиларга пул мукофоти, қимматбахона буюмлар тортиқ қилинди. 10 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари сундан тўйлари хўжалик ҳисобидан ўтказиб берилди.

Ха, мақсадимиз - инсонларга наф келтириш. Одамларимиз вақтида ишлаб, вақтида маданий ҳордик чикаришлари учун етарли шарт-шароит яратиш беришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиш. Мавжуд 16 та дала шийони деҳқонларнинг иккинчи уйига айланган. Хар бир қишлоқ ва маҳаллаларда гузарлар барпо этилаётган. Одамларнинг турмуш тарзи кун сайин яхшиланиб бормоқда. Турар-жой бинолари, маданий-маиший иншоотлар қад ростламоқда. Қишлоқлари маблаглари ҳисобидан кам таъминланган оилаларга 12 миллион 637 минг, ҳимий ташкилотлар ҳисобидан 49 миллион 593 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Касабаси раиси Раҳимжон Шуқуров учун жамоа шартномаси «қундалик дафтар» ўрини босади. Бир кун варақлама кўнгли тўлмайди. Чунки унда жамоанинг талаб ва эҳтиёжлари, орзу ва интилоқлари Меҳнат Кодекси меъёрлари билан қамалган.

Эрта-индин жамоа шартномаси ижроси бўйича якуний ҳисобот-йиғилишини кўз олдига келтириб, уни янада ўқитиб-эътибор билан қўздаб ўтказиб бошлади. «Ижтимоий ҳимоя» бўлимига келганда сергак тортиди. Белгиланганидек, ногиронларнинг турмуш ва маиший шароитини ўрганиш, моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш режалаштирилган.

...Хар душанба кун иш берувчи - Баллик туман халқ таълими бўлими мудири Анваржон Алибоев хузу-



Уқўрпик туманида фаолият кўрсата бошлаган «Соли-текс» масъулияти чекланган жамияти уч юз маҳаллий ёши доғий иш ўринлари билан таъминланди.

Бир неча йилдан буён ишламай банкрот ҳолатига келиб қолган собиқ тўқувчилик корхонаси ўрнида қад ростлаган замонавий ишлаб чиқариш тармоғи жаридорлиб бўлган бажамал матолари тайёрлашга иқтисослаштирилди. Мазкур корхона тўла қувват билан ишлаша, йилга 12 турдаги сержило бажамал матолари халқумиз аҳолисига етказиб берилди.

Суратда: тароқлаб цехининг ишчиси Зулфия Отажонина. Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар

ЗИЁ МАСКАНИ

Миср Араб республикаси элчихонасининг Тошкентдаги Фан ва таълим марказида кутубхона очилди. Чунки бундай зиё масканлари мамлакатлар ўртасидаги дўстона алоқалар кўламни кенгайтирибгина қолмай, халқларнинг бир-бирлари билан янада яқинлашувиغا имкон яратди. Кутубхонада бадий адабиётлар, шунингдек барча соҳаларга оид ўқув қўлнамалари мавжуд. Араб тилини ўргатувчилар, илмий тадқиқотчилар, талабалар, умум-

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

таси раиси Раҳимжон Шуқуров, фахрийлар кенгаши раиси Нейматжон Раҳимовлар кўриниши билан отахоннинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Хонадонда гўё қуёш чарақлаб кетгандек эди. Бир пиёла чой устида «Мурувват гуруҳи» нафақа-

ман Миср ҳаёти билан қизиқувчилар кутубхонага келиб, китоблардан бемалол фойдаланишлари мумкин. Элчихона вакилларининг айтишларича, беш мингга яқин адабиёт мавжуд бўлган кутубхона жаамгармаси мунтазам бойитиб борилади. Шунингдек, бу ерда ўқувчилар Миср матбуоти билан ҳам яқиндан танишиб олишлари мумкин. Кутубхона компьютерлари эса тез кунда интернет тармоғига уланади. «Туркистон-пресс»

ҲАЁТНИНГ ЎЗИ БИР ҚЎШИҚ

роқида «Мурувват гуруҳи» тузиш, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида касабаси уюшма тушумларидан маблаг ажратиб тўғрисида маъмурият билан касабаси уюшманинг қўмақи қарори лойиҳаси қабул қилинди...

...Инсоннинг боши ёстиққа текканда, дийдорлашсини кўмсаб қоларкан. Мирзабахром ака Абдукаримов «Кўкбулоқ» маҳалласидаги ўрта мактабда 30 йил математика фанидан сабоқ берди. Чўқур билими, касабига фидойилиги, болаларга меҳрибонлиги билан туман зиёлилари ўртасида оғизга тушган. Тақдир экан, мана бир неча йилдан буён ёстиқлик қасал. Иккинчи гуруҳ ногирони.

Маҳалладошлари Мирзабахром ақани ҳурматини жойига қўйишди. Унинг хонадонидан катта-ю кичикнинг қадами аримайди. Остонада Анваржон Алибоев ҳамда касабаси уюшма кўми-

ларнинг қўлга тегиши, дори-дармон таъминоти, тиббий хизмат кўрсатиш масалалари билан қизиқди. Жорий йилдагидек, 2004 йилда ҳам касабаси уюшма маблаглари ҳисобидан устознинг сийҳатига бепул дам олдирилиши келишиб олинди. Сўнгра қарияга маъмурият ва касабаси уюшма кўмитаси ҳисобидан ажратилган моддий ёрдам пули топширилди.

Маълумки, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг ҳаракат дастурида касабаси уюшмаларининг меҳнат ва уруш ногиронларини ижтимоий ҳимоялаш тизимини ривожлантириш борасидаги масъулияти алоҳида кўрсатиб ўтилган. Баллик туман халқ таълими тармоқ касабаси уюшма кўмитаси соҳа ҳодимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни жамоа шартномалари асосида амалга оширмоқда.

Қалб-қалбдан сув ичади, учқунланади, - дейди доно халқимиз. Касабаси уюшма кўмитаси аъзоларининг дардаки, қувонч ва ташвишлари билан янаша, шунчалик элга яқин бўлади.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч» фойш этади

чўчмаганлар. Ёки худди ўз мулкидан тортиқ қилаётгандай ўқувчи Отабек Давлатовга тегишли 10650 сўмлик кийим-бошини бола-нағиз онаси олди деб, синф раҳбари Зулайҳо Машариповага имзо қўйдириб, ўзига совға қилишган. Шунингдек, ўқувчи Даврон Ҳўрметовга тегишли 10650 сўмлик кийим-бош ҳам унинг ақаси ўрнига имзо қўйган синф раҳбари А.Жумадурдиева ҳисобига ўтиб кетган.

Нафисага эрк берган Қўзибой Қўчқоров ҳамда Хурмат Йўлдошевлар охир-оқибат изза бўлишди. Натижада қилмишлари учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг қатор моддалари қўлланилиб, айбдор деб топилди. Ҳеч ким бировларнинг мулкига кўз олайтириб, бойиб кетмаган. Лекин эртасини кўра билмаган ношудлар гоҳ-гоҳида нафсларига эрк бериб, ўзларини минг бир балага грифтор қилаётганликларини билмай қолади. Кейинги пушаймондан фойда йўқ. Халол яшашга нима етсин.

Юсуфбой МАШАРИПОВ, Шовот туман прокуратураси терговчиси, адлия маҳаллачиси Роза САЙДАҲМЕДОВА, «Ишонч» мухбири

ЙОД ТАНҚИСЛИГИГА ҚАРШИ

ЮНИСЕФ -халқаро болалар ташкилоти вилоятдаги барча мактабларга туз таркибидеги йод микдорини аниқлаб берувчи индикаторлар етказиб берди. Айни пайтда йод моддасининг еттишмаслиги туфайли болалар ўртасида айрим касалликлар кўпайгани сезилмоқда. Бунинг олдини олишда истеъмол қилинган ош тузи таркибидеги йод микдорини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жиззах шаҳридаги 6-мактабда ўтказилган тадбир шу масалага бағишланди. ЮНИСЕФнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳамда Халқ таълими вазирлигининг етакчи мутахассислари широк этган мазкур тадбирда мамлакатимизда йод танқислигини бартараф этиш бўйича самарали ишлар амалга ошириляётгани алоҳида таъкидланди. Буюқ хасталигининг олдини олишда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида фикр алмашилди. Вилоятнинг бошқа мактабларида ҳам шундай суҳбатлар ўтказиш белгиланди.

Сафар МЎМИНОВ, Шифиркон тумани, бош пудратчи

ОЛОТ - ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА

Олот туманига ҳам Интернет тармоғи кириб борди. Туман марказидаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг компьютер синфлари Интернет тизимига уланди. Коллежда компьютер технологиялари мутахассислиги бўйича таълим олаётган ёшлар шу кунларда мазкур халқаро ахборот тармоғига Олот туманига оид сайт кириштириш устида иш олиб бормоқда.

ПУДРАТ-ҚУДРАТ

Юртбошимизнинг вилоятимизга хар галги таширлар эл-юрт манфаатига дахлдор эғу ишларга йўл очади. Утган йили октябр ойида сафарлари чоғида Ёғдўвон шаҳрида ҳам бўлиб, Хўжа Жаҳон зиёратгоҳларини қайта таъмирлаш, боғ ташкил этиш, улуг зотга муносиб қадамжо ташкил этиш ташаббусини ўртага ташлаган эдилар. Бухоро аҳли шу кундан бошлаб буюқ пир тўйларига тараддуни бошлади. Бу эғу ишдан ҳеч ким четда қолмади. Кимдир меҳнат ютуқлари, бошқа биров ҳимийликка интилди. Уста хунармандлар эса ҳолис хизматлари билан савобли ишга қўшилишди. Фикр фикрга қувват берди, яхшилик яхшиликка йўл очди. Юбилей муносабати билан аллома ҳаёти ва ижоди бағишланган янги китоблар чоп этилди, илмий анжуманлар ўтказилди. Ёғдўвоннинг ва Нақшбанд макбара-мажмуалари атрофида улам боп барпо этилди. Каранги, Хўжа Абдуллоҳиқ Ёғдўвоний бобомиз хамisha одамларни поклик, тўғрлик, ҳалолликка боғлашганлар. Уларнинг тўйлари ҳам қадим Бухорога ўзгача шуқуҳ ва салобат бағишлади. Тарихий обидаларимиз яна иккитга қўлайди. Айниқса, ҳазрат юбилейларига Президентимизнинг таширлари ва биз бухорликлар ҳақида айтган дил изорлари вилоятимиз аҳлининг қучига-қуч қўшиди. Шу ўринда давлатимиз раҳбари мураккаб об-ҳово шароитига қарамай 360 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмонини барпо этиб, шартнома режасини ошириб бажарган биз пахтакорларни ҳам мубороқабд этганлари қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдириди, янги галабага илҳомлантирди.

Бизнинг Бобур номидеги ширкат хўжалигимиз нафақат вилоятда, балки республикада ҳам илгор жамоалардан ҳисобланади. Айниқса, ишни пудрат асосида ташкил этилиши ютуқлар омили бўлди. Ўз меҳнатининг роҳатини кўрган пудратчиларимиз ерга бор меҳрини бериб, сидқидилдан ишлашди. Меҳнат муваффақиятларимиз республика агроноат мажмуи ҳодимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси томонидан эътироф этилиб, Фахрий ёрлик ва қимматбахона совға билан тақдирланди. Бунда мен бош пудратчилик қилаётган жамоанинг ҳам ҳиссаси бор. Жорий йилда 70,5 гектар ерга деҳқончилик қилган пудратчиларимиз пахтадан 45 центнердан ошириб ҳосил олдилар. Бозор Турдиев, Фароғат Умарова, Шавкат Қосимов каби пудратчилар қўлга киритган ютуқлар янада салмоқли бўлди.

Менинг камтарона меҳнатим ҳам ҳукуматимиз томонидан алоҳида рағбатлантирилиб, «Шухрат» медали билан тақдирланганимдан бошим осмонга етди. Гап муқофотда эмас, балки хурматда, эъзозда. Бизнинг шаънимизни кўтариб, шаҳару қишлоқларимизни обод ва гўзал қилаётган давлатимиз ва унинг доно йўлбошчиси учун хар қанча ишласак эзо. Зеро, ободлик кўнгиладан бошланади.

Сафар МЎМИНОВ, Шифиркон тумани, бош пудратчи

«QO'XIZ» очик турдаги акционерлик жамияти қўша корхонаси икки йил муомалада бўлганда умумий қиймати 200 миллион сўмлик корпоратив облигациялари муомалага чиқара бошлади. Бу қимматли қозғалар 25 фоиз микдорда даромад келтиради ва фоиз тўловлари хар чоракда тўланади.

КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИНИНГ ЯНГИ ҚАТНАШЧИСИ

Эмитентнинг эксклюзив андеррайтери ва тўлов агенти Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки, «Демир инвест» масъулияти чекланган жамият эса унинг инвестиция маслаҳатчиси саналади.

«QO'XIZ» очик турдаги акционерлик жамияти қўша корхонаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки ва «Демир инвест» масъулияти чекланган жамият кўмағида бир ой давомида корпоратив облигацияларнинг қиймати 350 миллион сўмга тенг иккинчи траншини муомалага чиқаришни режалаштирмоқда.

СУРАТЛАРДА ОРОЛ ТАҚДИРИ

Халқаро Орolni кутқариш жаамгармаси ва Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан йил бошида «Орол муаммоси - элнинг муаммоси» қўриқтанлови эълон қилинган эди.

Нукусдаги кўргазмалар залида танловда иштирок этган расом ва ҳайкалрошларнинг 80 дан ортик асарини намойиш этилмоқда. Танлов фойдалари Янги йил байрами арафасида аниқланади. (ЎЗА)

ЎЗБЕК УНИ ХОРИЖГА

Бу йил мамлакатимизда олти миллион тоннага яқин галла етиштирилди. Бу хорижга ун ҳам экспорт қилиш имконини бермоқда.

Шўрчи туманидаги дон махсуслотлари акциядорлик жамияти қўшини Афғонистон ва Тожикистонга ун етказиб берапти. Шу йилнинг май ойидан буён Афғонистонга 22 минг, Тожикистонга 6,5 минг тоннага яқин биринчи навли ун жўнатилди.

Шунингдек, вилоятнинг Жарқўрган туманидаги «Алпомиш» Ўзбекистон-Туркия қўша корхонаси ҳам қўшни мамлакатларга ун чиқара бошлади. (ЎЗА)

НОРАСИДАЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ

Бировлар ҳақида хиёнат ҳеч замонда ҳеч кимга яхшилик келтирмаган. Пайғамбарларимиз ҳадисларида ҳам бу ҳақда кўп ибратомуз ҳикमतлар мавжуд. Айниқса, норасида болалар ҳақида хиёнат қораланган. Афсуски, буни фаромуш этиб, ноҳўя хатти-ҳаракатлар қилувчилар ҳам йўқ эмас орамизда. Бозорбой Отажон Шовот бўлимидан чиқиб қолди. У Шовот туманидаги «Кат-қалъа» касб-хунар мактабига газначи бўлиб ўтди-ю, ўзининг қимлигини кўрсатди-қўйди. 2003 йил 18 апрел кунини АТ «Пахтабанк» Шовот бўлимидан «Кат-қалъа» касб-хунар мактаби ўқитувчилари ва ишчи-хизматчиларининг 2003 йил март ойи учун берилиши лозим бўлган 857550 сўм ҳамда шу йилнинг феврал ойи учун мактаб хазинасида қолдик бўлиб қолган 129408 сўм, шунингдек, касб-хунар мактаби худудида фаолият кўрсатаётган савдо дўконларидан ижара ҳақи учун мактаб газначисига топширилган 100000 сўмини олди-ю, уларни эгаларига топширишни унутди. Бундай хардамхаёллик жазосиз қолмайди, албатта. У бу қилмиши учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддасига асосан кўп йиллар-

дан буён ишлаб келаётган касбидан бир йилга махрум этилди. Энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари микдорда жарима солинди. Суд ўзи иши давомида инсонийлик тамойилларига амал қилиб ҳамда қарамоғида 5 та волеяга етмаган фарзандлари борлигини, етказилган қамомат айбдор томонидан қолганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳукм чиқарди.

Харом ҳеч кимга ҳазм бўлмаган. Шунини била туриб туман халқ таълими бўлимига қарашли 44-сон умумий ўрта таълим мактабида хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимда ишлаб келаётган Хурмат Йўлдошев 2002 йилнинг октябр ойида туман халқ таълими томонидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун берилиши мўлжалланган 34 жуфт болалар этиги ҳамда 34 та бо-

лалар қуртқаси, 14та қизлар папкаси, 20 та бош-кийим, жами 352860 сўмлик кийим-бошларни мактаб директори Қўзибой Қўчқоров билан биргаликда ўзлаштириб юборган. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш жараёнида аjoyиб усул-ни қўллашган. Яъни, мактаб ўқувчиси Бобожонова Рўзигулга берилиши керак бўлган бир донна қуртка, бош ва оёқ кийими унинг отаси олди деб, ўрнини синф раҳбари Гулнора Бозорбоевага имзо қўйдиришган. Шунингдек, синф раҳбари Ю.Абдуллаевга ҳам имзо қўйдириб, ўқувчиларга тегишли бўлган кийим-бошларни ҳам ўзларига олишган. Бундан ташқари, бу «удда-бурон ишбилармонлар» ҳеч нарсадан тап тортмасдан бемалол бировлар ўрнига ўзлари имзо қўйиб, ўзгаларга тегишли буюмларга эгаллик қилишдан ҳам



# АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

**Юртдошларимизни,  
барча тармоқ  
ходимларини қутлуғ  
қадамлар ила кириб  
келаётган Меҳр ва  
мурувват йили  
билан қутлайди,  
муборакбод этади!**




# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

**Ўзбекистон халқини,  
тармоқ қасаба уюшмалари  
аъзоларини яқинлашиб  
келаётган 2004 йил билан  
муборакбод этади**

*Хонадонингиздан қут-барака,  
севинч ва тотувлик аримасин!*

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ



*Фидокор халқимизни,  
барча тармоқ  
ходимларини  
кутилаётган Янги йил  
билан самимий  
муборакбод этади!*

*Эзгу мақсад йўлидаги  
саъй-ҳаракатингиз ҳамиша  
бароридан келсин!*

TV 22-28 декабр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 22

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

14.10 «Оқ ва қора» Телешоу. 14.45 Кундузги санас: «Санников ери»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури...

14.10 «Оқ ва қора» Телешоу. 14.45 Кундузги санас: «Санников ери»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

9.55 Тонги сериал: «Рамаяна». 10.30 «Давр» - интервью...

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури...

14.10 «Оқ ва қора» Телешоу. 14.45 Кундузги санас: «Санников ери»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури...

14.10 «Оқ ва қора» Телешоу. 14.45 Кундузги санас: «Санников ери»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустахкамлиги йўлида»...

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури...

14.10 «Оқ ва қора» Телешоу. 14.45 Кундузги санас: «Санников ери»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

12.50 «Киш сонатаси». Телесериал. 14.00 «Адабий жараён»...

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури...

14.10 «Оқ ва қора» Телешоу. 14.45 Кундузги санас: «Санников ери»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

12.50 «Киш сонатаси». Телесериал. 14.00 «Адабий жараён»...

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури...

14.10 «Оқ ва қора» Телешоу. 14.45 Кундузги санас: «Санников ери»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...


20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...



20.00 Спорт-лото. 20.10 Мусикий лаҳзалар. 20.20 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби...

17.05 «Сардор». Телевизион бадий фильм 4-серия. 17.50 Кўрсатувлар дастури...

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино»...

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»...

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»...

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»...

17.05 «Сардор». Телевизион бадий фильм 4-серия. 17.50 Кўрсатувлар дастури...

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»...

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»...

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»...

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»...

13.10 ТВ -анонс. 13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртақлари»...

13.10 ТВ -анонс. 13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртақлари»...

13.10 ТВ -анонс. 13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртақлари»...

13.10 ТВ -анонс. 13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртақлари»...

13.10 ТВ -анонс. 13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртақлари»...

0.40-0.45 Хайрли тун. «ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ» 17.10 Кўрсатувлар тартиби...

0.40-0.45 Хайрли тун. «ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ» 17.10 Кўрсатувлар тартиби...

0.40-0.45 Хайрли тун. «ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ» 17.10 Кўрсатувлар тартиби...

0.40-0.45 Хайрли тун. «ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ» 17.10 Кўрсатувлар тартиби...

0.40-0.45 Хайрли тун. «ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ» 17.10 Кўрсатувлар тартиби...

0.40-0.45 Хайрли тун. «ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ» 17.10 Кўрсатувлар тартиби...

0.40-0.45 Хайрли тун. «ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ» 17.10 Кўрсатувлар тартиби...

0.40-0.45 Хайрли тун. «ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ» 17.10 Кўрсатувлар тартиби...

0.40-0.45 Хайрли тун. «ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ» 17.10 Кўрсатувлар тартиби...

0.40-0.45 Хайрли тун. «ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ» 17.10 Кўрсатувлар тартиби...

ЯКШАНБА, 28

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан» 18.10 «Олтин бешик»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Янги авлод» студияси: «Тенгдошларнинг ижодидан»...

«Булуғур» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 13 декабр соат 11.00 да «Булуғур» акциядорлик жамияти мажлислар залида қайтадан ўтказилди. Йиғилиш ўтказиш учун қворум 60,8% фойзи ташкил қилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича куйидаги қарорлар бир овоздан қабул қилинди.

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 июл 289-сонли қарорига мувофиқ «Ўзевасабазавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг шиша-идиш заводи қурилиши бўйича чет эл банкдан олинган кредит учун «Булуғур» акциядорлик жамиятининг мол-мулки гаровга қўйилсин.

2.«Булуғур» акциядорлик жамияти уставига қуйидаги ўзгариш киритилсин:

Акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги маълумот камида ўн беш кун олдин газетда эълон қилиниши лозим.

Кузатув кенгаши

